

**ТИЛШУНОСЛИКДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ, МОДАЛ СЎЗЛАР  
ВА МОДАЛ ИБОРАЛАР ХУСУСИДА ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР  
ТАЛҚИНИ**

**Махсадхон Абдуганиевна АБДУРАХМОНОВА**

Ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: maksadbonu69@gmail.com

**Аннотация**

Ушбу мақолада тилшуносликда модаллик категорияси, модал сўзлар ва модал ибораларга доир назарий қарашлар ва таҳлиллар ҳақида сўз юритилади. Мавзу юзасидан тилшунос олимларнинг фикрлари, таҳлиллари келтирилади.

**Таянч сўзлар:** нутқ, интонация, инкор, сўроқ, тасдиқ, гумон, шартлилик.

**ОБЪЯСНЕНИЕ НАУЧНЫХ ТЕОРИЙ О КАТЕГОРИИ МОДАЛЬНОСТИ  
В ЛИНГВИСТИКЕ, МОДАЛЬНЫХ СЛОВАХ И МОДАЛЬНЫХ ФРАЗАХ**

**Махсадхон Абдуганиевна АБДУРАХМОНОВА**

преподаватель

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

электронная почта: maksadbonu69@gmail.com

**Аннотация**

В статье рассматриваются теоретические перспективы и анализ категории модальности в лингвистике, модальных слов и модальных фраз. Представлены мнения и анализы лингвистов по данной теме.

**Ключевые слова:** речь, интонация, отрицание, вопрос, утверждение, подозрение, условное наклонение.

Мустақиллик йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда илм-фаннинг барча соҳаларини ривожлантириш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш борасида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да республика илмий жамоатчилиги олдида бу дастурни самарали бажариш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси қўйилди. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида қўшилиши туфайли айниқса, хорижий тилларни ўрганиш, тил

муаммоларини тадқиқ қилиш ҳамда шу соҳада илмий тадқиқот ишларини кучайтиришга эътибор қаратилди.

Тилшуносликда модаллик деганда, сўзловчининг айтилаётган гап мазмунига, воқеликка муносабатини англатувчи маъно категорияси сифатида қаралади, яъни объектив воқелик сўзловчи онгида акс этади ва у ўз муносабатини турли семантик категориялар ёрдамида билдиради.

“Тилшуносликда модаллик, – дея таъкидлайди Ж. Ёқубов, – сўзловчининг айтилаётган гап мазмунига ва гапнинг воқеликка муносабатини англатувчи сўзлар категорияси деб таъриф берилса, мантиқ илмида эса модаллик – ҳукмнинг асосий муҳим хусусияти бўлиб, унда предметнинг у ёки бу белгиси ифодаланади. Модаллик ҳукмда айтилган воқеликнинг мазмунига кўра, унга бериладиган семантик тавсиф: ҳукм зарурий, эҳтимолий, тасодифий, ноэҳтимолий каби тушунчаларнинг предикат билан субъект орасидаги мантиқий боғланиши тушунилади. Модаллик мантиқда чин, хато, тасдиқ, инкор, шарт маъноларини англатиб, улар махсус модал операторлар орқали ифодаланади [2; 7].

Модаллик тушунчаси тилшунослик фанига мантиқ илмидан кирган бўлиб, бу категория мантиқ илмида ҳар хил шартли белгилар ва семантик операторлар (эҳтимол, зарур, шарт, мумкин) билан ифодаланади. Тилшуносликда эса ушбу семантик категория турли маъноларни (реал-нореал, мумкинлик, зарур, истак, тасдиқ-инкор ва ҳ.к.) англатиб, турли морфологик, лексик ва синтактик воситалар билан ифодаланиши мумкин. Демак, модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашга хизмат қиладиган турли воситалар киритилади. Тилшунос олим В.З.Панфилов таъкидлаганидек, “жуда кўп муаллифлар томонидан модаллик категорияси таркибига ўз моҳияти жиҳатидан функционал вазифаси, тил тузилишига мансублиги жиҳатидан турлича маънолар киритиладики, натижада бу категория маълум аниқликни йўқотади” [4; 37]. Бу ҳатто модалликнинг алоҳида тил категорияси сифатида мавжудлигини ҳам шубҳа остига қўяди. Жумладан, тадқиқотчи олим И.П.Распопов соф грамматик маънодаги категория сифатида ҳеч қандай

модаллик категорияси мавжуд эмас дейди. Унинг фикрича, модаллик категорияси ҳақида эмас, балки гапнинг модал сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади [5; 145].

Модаллик ҳақидаги бундай фикрлар тасодифий эмас, албатта. Модалликнинг анъанавий талқинига кўра, уни таърифлаш жуда қийин. Модаллик маъноси тил системасининг турли сатҳларида кузатилади, шунинг учун уни ифодаловчи воситалар ҳам ҳар хил. А.Нурмонов таъкидлаганидек, “тилшуносликда бу воситаларни аниқлашнинг ягона услуби бўлмаганлиги туфайли, модалликни ифодаловчи воситалар турли тиллар материаллари асосида турлича ажратилмоқда” [3; 57].

Тилшунос олим Н.Қ.Турниёзовнинг фикрича, “гап унсурларининг модаллик белгиси бир томондан сўзловчи шахс руҳияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг англатадиган маънолари билан ҳам узвий алоқадордир” [6; 22]. Шу муносабат билан, академик В.В.Виноградовнинг модаллик категориясининг шакллари ва мазмуни ҳақидаги фикрини келтириш керак: “Чунки гап, воқеликни унинг амалий ижтимоий онгида акс эттирар экан, албатта, нутқнинг воқеликка тегишлилигини ифодалайди, гап билан, унинг типларининг ранг-баранглиги билан модаллик категорияси чамбарчас боғланган. Ҳар бир гап, муҳим конструктив белги сифатида, модаллик маъносини, яъни воқеликка муносабатни кўрсатишни ўз ичига олади. Фикрнинг, туйғунинг, истакнинг бир бутун ҳар қандай ифодаси, воқеликни мулоҳазанинг у ёки бошқа шаклда акс эттириб, тилнинг ушбу тизимида мавжуд гапнинг интонацион схемаларидан бирига бирикади ва ўша синтактик маънолардан бирини ифодалайди-ки, улар жамулжам бўлиб модаллик категориясини ҳосил қилади” [1; 54 ].

Бир категория атрофида бундай хилма-хил воситаларнинг бирлаштирилиши тилшунослар ўртасида, табиий равишда, айрим эътирозларнинг туғилишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам бу воситаларни бирлаштирадиган бир умумий белгини топишга ҳаракат қилинди. Бу воситаларнинг ҳаммаси ўз функциясини гап сатҳида кўрсатади. Ана шу

синтактик белги юқоридаги воситаларни бирлаштириш учун маълум даражада асос бўлади. Шунга кўра, модаллик воситаларини ҳам: 1) конструктив-синтактик; 2) морфологик-синтактик; 3) интонацион-синтактик гуруҳга ажратиш мумкин. Модалликнинг умумий таърифига тилшуносликда мазмун режаси нуқтаи назаридан ёндашилади, яъни муносабат белгиси эътиборга олинади. Аммо В.З.Панфилов таъкидлаганидек, тилшуносликда бу категориянинг моҳияти, унинг фикр модаллиги муносабати, гап модаллигининг типлари, модалликнинг предикативликка муносабати билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалар бўйича ягона фикр йўқ [4;183]. Тилшуносликда мавжуд бўлган модаллик категориясига оид илмий ишларни таҳлил қилиб, олимларнинг назарий қарашларини бир тизимга солиб, модаллик семантик категориясининг турли тил воситалари билан ифодаланишини биз қуйидаги гуруҳларга бўлдик.

Сўзловчи айтаётган фикрнинг гапдаги мақсади, муносабати ёки гапнинг коммуникатив функцияси. Бу семантик баҳолашнинг хусусияти шуки, ҳамма гаплар ўз функциясидан келиб чиқиб, коммуникатив гуруҳларга (дарак, сўроқ, буйруқ) бўлинади. Бу маъноларнинг мажмуи қуйидаги тил воситаларини ўз ичига олади: морфологик (феъл майллари), синтактик (гап моделлари, просодик– интонация – интонация)

Сўзловчининг гап мазмунини реал ва нореал нуқтаи назардан баҳолаши. Бу модаллик маънолари майл шакллари, феъл замонлари, шунингдек, баъзи боғловчи ва юкламалар ёрдамида ифодаланади. Сўзловчининг гапда ифодаланган воқеликларни (мумкин-эҳтимол, зарур-керак, хоҳиш-истак) субъект ёрдамида баҳолаши. Бу семантик маънолар модал феъллар ва тил қурилмалари ёрдамида берилади.

Тасдиқ ва инкор маъноларини ифодаловчи нарсалар орасидаги мавжудлик ёки мавжуд эмаслик ҳолатини англатувчи муносабатлар, белгилар ва гапдаги реал ҳаракатни англатувчи воқелик. Иккала семантик тушунча таққосланса, биринчисининг маркерлари (кўрсаткич белгилари) йўқ, иккинчисининг эса махсус маркерлари бўлиб, улар грамматик, лексик

воситалар ёки юкламалар орқали ифодаланади. Семантик маъноларнинг икки турини баҳолаш: а) сўзловчининг воқеликни (мумкин, зарур ёки истак) баҳолаши; б) сўзловчининг унга хабар қилинган воқеликка ишончлилик даражаси. Иккала баҳо тури ҳам тилда модал равишлар, кириш сўзлар, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар билан, шунингдек, модал феъллар (мумкин, керак) ва инфинитив қурилмалар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Аниқлик майлида реаллик модал маънони ифодалаш. Бизнинг назаримизда, бу хусусиятда модаллик алоҳида тил категорияси сифатида мавжуд, аммо айрим тилшунослар фикрича, аниқлик майли модаллик категориясини ифодалаш хусусиятига эга эмас. Бу фикр-мулоҳазалар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, модаллик категориясини объектив ва субъектив семантик тур ва гуруҳларга бўлиб ўрганиш тилшуносликда катта аҳамият касб этади. Объектив модаллик гапнинг зарурий белгиси туфайли ҳар қандай гапда бўлади, субъектив модаллик эса гапларда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, объектив модаллик гапнинг доимий белгиси, субъектив модаллик эса қўшимча белгиси ҳисобланади. Объектив модаллик тилда ҳамиша морфологик усулда майл ва феъл замонлари билан ифодаланса, субъектив модаллик лексик (модал феъл ва сўзлар, кўмакчи, гапнинг махсус қурилмалари ва ҳ.к.) ҳамда синтактик воситалар ёрдамида ҳосил бўлади. Буни модаллик категориясининг фактик тил материали заминидан турли тилларда қўлланиши ва ифодаланишида кузатишимиз мумкин.

Тилни ўрганишда семантиканинг муҳимлиги шундан иборатки, модал сўз ва ибораларни таҳлил қилишда уларнинг лексик маъноларини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Модаллик тушунчасининг методологик асосланган ўз таърифининг йўқлиги шунга олиб келадики, чет эллик тадқиқотчилар, асосан, кўриб чиқилиётган ҳодисанинг иккинчи даражали масалаларига эътиборни қаратадилар. Француз тили тадқиқотчиларининг кўпларини қизиқтирувчи шундай масалалардан бири равишларни ўз грамматик вазифалари бўйича

чегаралашдир: гапнинг айрим сўзига ёки гапнинг қандайдир бўлагини ташкил қилувчи сўзларнинг гуруҳига тегишли бўлган равиш ва умуман бутун гапга тегишли бўлган равиш.

Фақат асл ташқи белгиларга асосланган бундай чегаралаш кўриб чиқиладиган ҳодисаларнинг ҳақиқий тушунилишини бермайди, чунки равишларнинг грамматик вазифалари уларнинг лексик маънолари билан боғлангандир. Ҳақиқатан, масалан, sûrement равиши модал маъно билан гапнинг алоҳида бўлагига, яна шунингдек умуман бутун гапга тегишли бўлиши мумкин, қиёсланг:

1. Vous ne savez sûrement pas toutes les misères par lesquelles j'ai dû passer pour en arriver où je suis [7; 59].

2. Mais il ne fallut pas être à sa disposition, il en prendrait avantage, sûrement Tr. , Les fantômes [8;156].

Биринчи ҳолда sûrement кесимга, иккинчи ҳолда – аниқловчига, охиригисиди мулоҳазага унинг хулосаси сифатида тегишлидир.

Шундай равиш, масалан, “heureusement” каби, модал сўз сифатида, у гапнинг бошида турибдими, ўртасида ёки охиридалигидан қатъи назар, фақат бутун гапга тегишлидир.

1. Heureusement, avec le temps qui passait, la vigilance policière s'atténuait [9;320].

2. Personne heureusement ne lui avait reproché d'être en chômage... [10; 94].

3. Anne-Marie commençait à aimer son métier et à gagner sa vie, heureusement [11;106]

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, айрим модал сўзлар умуман бутун гапга, бошқалари эса бутун гапга, ҳам унинг алоҳида бўлакларига тегишли бўлишлари мумкин. Модал сўзларнинг вазифасидаги бундай фарқ уларнинг лексик маънолари билан, яна шунингдек гапнинг умумий мазмуни билан боғлиқдир.

Француз тилида модаллик категориясини ифодалашда кўпроқ феъл майллари билан модал феъллар иштирок этса, инглиз тилида модал феъллар

кўпроқ қўлланади. Немис тилида модал феъллар билан бирга модал сўзлар қўлланиб, улар семантик хусусияти жиҳатдан турли гуруҳларга бўлиниб, субъектив модалликни ифодалашга хизмат қилади.

Модалликнинг келиб чиқиш асосини тушунтириб бериш учун тилни объектив борлиқ билан боғлаб ўрганиш, унинг келиб чиқиши ва моҳиятини илмий талқинини билиш назарияси билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Бу модал сўзларни семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишда яққол намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида гап мазмунининг объектив борлиққа ёки сўзловчининг объектив борлиққа муносабати модаллик деб тушунилади. Модаллик деганда, гапнинг субъект билан борлиққа бўлган турли маънолари тушунилар экан, аввало, бу маъноларни икки гуруҳга, яъни: 1) объектив модаллик ва 2) субъектив модалликка бўлиб ўрганиш тақозо қилинади.

Модаллик категориясининг ҳозирги ўзбек тилида феълнинг модал шакллари (мас., *-моқчи эди*, *-гиси келди*, *-ганида эди* ва ҳ.к.) билан ифодаланишини таҳлил қилиб, феълнинг бу шакллари ҳаракатнинг миқдорий белгиси, унинг бажарилиш тусини, ҳаракатнинг бажарувчи томонидан турлича баҳоланиши сингари модал маъноларни англатиши ва феълнинг модал шакллари тузилиши жиҳатидан синтетик ва аналитик турларга бўлиниши кузатилади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке - Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – Москва: Наука. 1975.
2. Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005. – 224 б.
3. Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.
4. Панфилов В.З. Категория модальности и ее роль в конституировании структуры предложения и суждения ВЯ. – Москва, 1977.

5. Распопов И.П. Заметки о синтаксической модальности и модальной квалификации предложения. В. кн.: Синтаксис и интонация. Вып.2. – Уфа, 1973.

6. Турниёзов Н.Қ Нутқ ва унинг эгоцентрик характери хусусида баъзи мулоҳазалар Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. Самарқанд, 2005.

7. Morgane Mauvais-Grammier. “Les tribulations d’une âme en quête de rédemption”, P,1892 p.59.120

8. Tristan Bernardning “Les Fantômes”,P,1919 p156

9. Pierre Bonte “Le chemin”, P, 1952.p320.

10. Morgane Mauvais-Grammier. “Les tribulations d’une âme en quête de rédemption”, P,1892 p.94.120.

11. Tristan Bernardning “Les Fantômes”,P,1919 p106.